



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

“ 06 ” May 20 21 y

Yaypan shahri 333 sonli

Яйпан шаҳар Октепа МФЙ Янги авлод кўчаси 20-уйда яшовчи фуқаро Иномжонов Аббосхонга Яйпан шаҳар Зиёкор кўчаси ҳудудидан вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан енгил типдаги конструкциялардан «Зиё маскани ҳамда эко бозори» ўрнатиш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги

Тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 20 ва 64 –моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6-моддасига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Ўзбекистон тумани доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг Яйпан шаҳар Октепа МФЙ Янги авлод кўчаси 20-уйда яшовчи фуқаро Иномжонов Аббосхонга вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан енгил типдаги конструкциялардан «Зиё маскани ҳамда эко бозори» ўрнатиш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги 2021 йил 5-апрелдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Яйпан шаҳар Зиёкор кўчаси ҳудудида жойлашган туман халқ таълими биносининг ён қисмидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 28,00 кв.м. ер майдонини Яйпан шаҳар Октепа МФЙ Янги авлод кўчаси 20-уйда яшовчи фуқаро Иномжонов Аббосхонга 7 (етти) йил муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан енгил типдаги конструкциялардан “Зиё маскани ҳамда эко бозори” ўрнатиш учун ажратиб берилсин.

3. Туман ҳокимлиги бош ҳисобчисига:

-мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан белгиланган тартибда фуқаро Иномжонов Аббосхон ва туман ҳокимлиги ўртасида ижара шартномасини расмийлаштириш вазифаси топширилсин.

4. Фуқаро Иномжонов Аббосхонга вақтинчалик металл конструкциядан “Зиё маскани ҳамда эко бозори” ўрнатилишини архитектура-қурилиш меъёрлари ва талабларига асосан олиб бориш топширилсин ва ўрнатишга руҳсат этилган ер майдони давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун зарур бўлганда ўз ҳисобидан зудлик билан ер майдонини бўшатиши зарурлиги эълан қилинсин.

5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Исмоилов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Ш. Юлдашев

Ўзбекистон тумани доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг Яйпан шаҳар Оқтепа МФЙ Янги авлод кўчаси 20-уйда яшовчи фуқаро Иномжонов Аббосхонга вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан енгил типдаги конструкциялардан «Зиё маскани ҳамда эко бозори» ўрнатиш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги

ДАЛОЛАТНОМАСИ

05.04.2021 йил

Яйпан шаҳар

Туман доимий ҳаракатдаги ер майдонлари танлаш ва ажратиш комиссиясининг раиси:

Ш.Исмоилов - туман ҳокимининг ўринбосари:

Комиссия раиси ўринбосари:

А.Ражабов - Кадастр агенлиги Ўзбекистон тумани филиали бошлиғи

О.Ваҳобов - туман қурилиш бўлими бошлиғи комиссия котиби:

Комиссия аъзолари:

Ғ.Хамрақулов - Экология ва атроф-муҳитини муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича Ўзбекистон тумани инспекцияси бошлиғи

А.Сулаймонов - туман санитария эпидимиология осойишталиги маркази бош врач

Ж.Мелиев - туман электр тармоқлари идораси бошлиғи

Д.Рахмонов - туман ФВБ бўлими бошлиғи

Э.Рахимов - «Яйпангаз» идораси бошлиғи

М.Мирзарахимов Ичимлик сув таъминоти туман корхонаси раҳбари

Р.Махмудов Туман алоқа бўлими бошлиғи

А.Ўринов Яйпан-гузар МФЙ раиси

А.Иномжонов - фуқаро

Шу куни Яйпан шаҳар Оқтепа МФЙ Янги авлод кўчаси 20-уйда яшовчи фуқаро Иномжонов Аббосхоннинг туман ҳокимлигида 23.03.2021 йилда № 701-сон билан қайд этилган Яйпан шаҳар Зиёкор кўчаси ҳудудида «Зиё маскани ҳамда эко бозори» ўрнатиш учун рухсат беришни сўраб ёзган аризасини ўрганиб чиқдик.

Ўрганиш давомида Яйпан шаҳар Оқтепа МФЙ Янги авлод кўчаси 20-уйда яшовчи фуқаро Иномжонов Аббосхон аризасида кўрсатган ер майдони Яйпан шаҳар Зиёкор кўчаси ҳудудида жойлашган туман халқ таълими биносини ён қисмида жойлашган гулзор ер майдонига чегарадош қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 28,00 кв.м. ер майдони бўлиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 6, 20 ва 64 –моддаларига асосан ушбу ер майдонига вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан енгил типдаги конструкциялардан «Зиё маскани ҳамда эко бозори» ўрнатиш учун ажратиб беришни мақсадга мувофиқ бўлиши аниқланди.

Юқоридагиларни инобатга олиб комиссия Яйпан шаҳар Зиёкор кўчаси ҳудудида жойлашган туман халқ таълими биносини олди қисмида жойлашган гулзор ер майдонига чегарадош қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 28,00 кв.м. ер майдонидан вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан енгил типдаги конструкциялардан «Зиё маскани ҳамда эко бозори» ўрнатиш учун танлаш ва ажратилишини маъқуллайдилар ва ушбу далолатномани тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»га асосланиб туман ҳокимига хавола этадилар.

Танланган жой архитектура, санитария-гигиена ва ёнғинни олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 февралдаги 41-сонли қарори талабларига тўлиқ мос келишлигини аниқладик.

Яйпан шаҳар Октепа МФЙ Янги авлод кўчаси 20-уйда яшовчи фуқаро Иномжонов Аббосхонга вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан енгил типдаги конструкциялардан «Зиё маскани ҳамда эко бозори» ўрнатиш учун ажратилмайдиган ер майдони чегаралари:

- Шимолдан- гулзор -Шарқдан - Зиёкор кўчаси ва пиёдалар йўлаги
- Ғарбдан - туман халқ таълими биносига кириш йўли
- Жанубдан- А.Жомий кўчасига чиқадиган йўли билан чегарадош.

Рельефи текисликдан иборат бўлиб санитария-гигиена, табиатни муҳофаза қилиш талабларига мос келади.

Зилзила бардошлилиги 8-9 балл.

Далолатномага ажратилаётган ер майдонининг харитадан кўчирмаси илова қилинади.

Комиссия раиси:

Ш.Исмоилов

Комиссия раиси уриши:

А.Ражабов

Комиссия котиби:

О.Ваҳобов

Комиссия аъзо:

Ғ.Ҳамрақулов

Мас. хўра
шорчи 6/н

А.Ҳаймонов

М.Мелиев

Д.Раҳмонов

Ў.Раҳимов

М.Мирзараҳимов

Р.Маҳмудов

А.Ўринов

А.Иномжонов